
Ўзбекистон туманида ер сотиш билан боғлиқ фирибгарлик ҳолати
фош этилди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, ДХХ ҳамда ИИБнинг Ўзбекистон тумани бўлимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаролар М.М. ва Ш.У.лар олдиндан тил бириктириб, фуқаро К.нинг ишончига кириб, унга 7 600 АҚШ доллари эвазига “Сўх-Оқтепа” ирригация тизимига қарашли 60 сотих ер майдонида иссиқхона фаолиятини ташкил этиш учун расмийлаштириб беришга келишиб, олдиндан 5 000 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан [ушланганлар.](#)

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) ва 28,211-моддаси (пора бериш) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

2021-12-04 09:01:21